

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 336.02 (575.172)*

Абишов Мухаммед Сарсенбаевич

**ЭГРИ СОЛИҚЛАРНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА ТАЪСИРИ
(Қорақалпоғистон Республикаси мисолида)**

08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»

**Иқтисод фанлари номзоди
илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация**

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент - 2011

Диссертация иши Тошкент молия институтида бажарилган.

Илмий раҳбар:

иқтисод фанлари доктори
Альмарданов Муҳаммади Ибрагимович

Расмий оппонентлар:

иқтисод фанлари доктори
Тошматов Шухрат Амонович

иқтисод фанлари номзоди, доцент
Тўраев Шавкат Шухратович

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ
қўмитаси Солиқ академияси**

Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.005.25.01 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг 2011 йил «___» _____ соат ___ да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Ҳ. Орипов кўчаси, 16-уй.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси кутубхонасида танишиш мумкин

Автореферат 2011 йил «___» _____ да тарқатилди

**Бирлашган ихтисослашган
кенгаш илмий котиби
иқтисод фанлари доктори**

Ф.И. Мирзаев.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакат иқтисодиётини модернизация қилиш ва инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишнинг устувор йўналишларидан бири – молия-кредит тизимини, хусусан, солиқ тизимини такомиллаштириш белгиланган. Молия соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг марказий бўғинида давлат бюджетининг харажатларидан янада самарали фойдаланиш, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги тутган ўрнини ошириш масалалари ҳисобланса, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида солиқ сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида корхоналар зиммасидаги солиқ юкини камайтириш ҳисобига тўғри ва эгри солиқлар ўртасидаги нисбатни оптималлаштириш катта аҳамиятга эга. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов тўхталиб, «... солиқ юкини енгиллаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш бўйича хўжалик тузилмаларини қўллаб - қувватлаш» зарурлигини таъкидлаганлар¹.

Амалиёт кўрсатишича, эгри солиқлар иқтисодиётни тартибга солиш, истеъмолни мувофиқлаштириш функцияларини бажариш билан биргаликда рағбатлантирувчилик функциясини бажаради ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга бевосита таъсир кўрсатади. Эгри солиқлар орқали давлат ўз молия-солиқ сиёсатида ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир этиш жараёнида вужудга келадиган мураккаб иқтисодий муносабатлар мавжудки, уларни илмий жиҳатдан тадқиқ этиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Солиқ тизимининг мураккаб қисми бўлган эгри солиқларнинг моҳияти, хусусиятлари ва уларни қўллаш билан боғлиқ бўлган мавжуд муаммолар хорижлик иқтисодчи олимлардан И.Александров, А.Евстигнеев, Дж.Кейнс, У.Петти, В.Пушкарева, В.Родионова, Д.Рикардо, А.Смит, А.Соколов, Н.Тургенев, Д.Черник, Т.Юткинларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган².

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан О.Қ.Абдурахмонов, М.И.Альмардонов, А.В.Ваҳобов, Э.Ф.Гадоев, А.С.Жўраев, Н.Р.Кўзиева, Т.С.Маликов, О.О.Олимжонов, Ш.А.Тошматов, Б.Э.Тошмуродова, Н.Ҳ.Ҳайдаров ва Қ.А.Яҳёевларнинг илмий ишларида эса, эгри солиқларга хос

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент, “Ўзбекистон”, 2010. - 41 б.

² Александров И.М. Налоги и налогообложение: учебник. – 5-е изд., перераб. и доп. – М.: «Дашков и К.», 2006. - 318 с.; Евстигнеев Е.Н. Налоги и налогообложение // СПб.: ПИТЕР, 2004 г. - 308 с.; Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. – М.: Гелиос АРВ, 2002. - 352 с.; Налоги и налогообложение. Под редакцией акад. Черника Д.Г. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008. - 311 с.; Петти У. Трактаты о налогах и сборах // Антология экономической классики. Предисловие Столярова И.А. – М.: Мл. Эконом «Ключ» 1995. - 175 с.; Пушкарева В.М. История финансовой мысли политики налогов: учебное пособие. - М.: «Финансы и статистика», 2005. - 256 с.; Рикардо Д. Начала политической экономии и налогового обложения. Избранное – М., Антология экономической мысли, 2007. - 960 с.; Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. — М.: Эксмо, 2007. - 960 с.; Соколов А.А. Теория налогов. – М.: ООО «ЮрИнфоРПресс», 2003. - 506 с.; Тургенев Н.И. Опыт теории налогов // У истоков финансового права. – М.: Статут, 1998. - 127 с.; Юткина Т.Ф. Налоги и налогообложение: учебник. 2-е изд., перераб. и доп. – М.: «ИНФРА-М», 2002. - 576 с.

жараёнларнинг айрим жихатлари таҳлил қилинган³. Иқтисодий адабиётда амалга оширилган солиқ тизимга оид илмий тадқиқотлар доирасида эгри солиқларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсири комплекс равишда тадқиқ этилмаган. Хусусан, Ш.Тошматов, М.Комиловлар илмий ишлари қўшилган қиймат солиғини ундириш механизмидаги муаммоларга бағишланган бўлса, И.Жалолов тадқиқот ишида қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғининг бюджет даромадларига айрим истеъмол товарлари нархининг шаклланишига таъсири ўрганилган, Б.Қодировнинг диссертация ишида эгри ва тўғри солиқлар ўртасидаги нисбат муносабатлари ўрганилган. Шунингдек, А.Таниевнинг илмий ишида Давлат бюджетига эгри солиқларни ундириш механизми ва уни такомиллаштириш йўллари кўриб чиқилган⁴. Қайд этилган илмий-тадқиқот ишларида эгри солиқларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга таъсири ўзаро боғлиқ равишда илмий-тадқиқот объекти сифатида яхлит ўрганилмаганлиги диссертация мавзусининг танланишига асос бўлди.

Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Тошкент молия институти илмий-тадқиқот ишлари режалари доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади: иқтисодиётни модернизациялаш шароитида эгри солиқларнинг ҳисоблаш механизмини такомиллаштириш асосида корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

- эгри солиқларга хос илмий-назарий қарашларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш;
- эгри солиқларнинг иқтисодиётни тартиблашдаги ўрнини баҳолаш;
- иқтисодиётни модернизациялаш шароитида бюджет даромадларида эгри солиқларнинг салмоғини ўзгариш тенденциясини аниқлаш;

³ Алимардонов М.И. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга солиқ тизимининг таъсири / Монография. – Т.: ТМИ, 2003. – 233 б.; Ваҳобов А.В., Сирожиддинова З.Х. Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети. Т.: Иқтисод – молия, 2001. – 174 б.; Жўраев А.С. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари / Монография. – Т.: Фан, 2004. – 243 б.; Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. – Т.: Академия, 2002. – 204 б.; Тошматов Ш.А. Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли / Монография. – Т.: Фан ва технология, 2008. – 204 б.; Тошмуродова Б.Э. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми / Монография. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – 128 б.; Ҳайдаров Н.Х. Солиқлар ва солиққа тортиш масалалари / Ўқув қўлланма. – Т.: Академия, 2007. – 256 б.; Яхёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. – Т.: Фан ва технология, 2003. – 248 б.

⁴ Жалолов И.Э. Совершенствование косвенного налогообложения. Автореферат дисс. на соискание учёной степени к.э.н. – Т.: 2001. – 21с.; Тошматов Ш.А. Қўшилган қиймат солиғи ва уни такомиллаштириш йўллари (Ўзбекистон Республикаси материаллари): и.ф.н. илмий даражасин олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2003. – 22 б.; Камбаров М.М. Қўшилган қиймат солиғини ундириш механизми ва уни такомиллаштириш йўллари: и.ф.н. илмий даражасин олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2007 – 22 б.; Қодиров Б.Қ. Бевосита ва билвосита солиқлар ўртасидаги нисбат муносабатлари ва солиқ тизимини такомиллаштириш масалалари: и.ф.н. илмий даражасин олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2007. – 22 б.; Таниев А.Б. Ўзбекистонда билвосита (эгри) солиқларни ундириш механизми ва уни такомиллаштириш йўллари: и.ф.н. илмий даражасин олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2010. – 22 б.

- эгри солиқларнинг реал сектор корхоналари иқтисодий фаолияти ва ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсирини таҳлил этиш;

- эгри солиқларни ҳисоблашнинг илғор хориж тажрибасини таҳлил этиш ва уни республикада ижодий қўллаш йўналишлари;

- эгри солиқларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсирини ошириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти: солиқ тизимини муҳим бўғини эгри солиқларни тўловчи хўжалик юритувчи субъектларда эгри солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш механизми ҳисобланади.

Тадқиқот предмети: эгри солиқларни давлат бюджетига ундириш жараёнида юзага келадиган молиявий муносабатлар йиғиндиси.

Тадқиқот методлари. Диссертация ишида таҳлил ва синтез, математик омиллар, комплекс иқтисодий таҳлил, таркибий-функционал таҳлил ва статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқот гипотезаси. Республикада эгри солиқларни ҳисоблаш ва бюджетга ундириш механизмини такомиллаштириш мазкур солиқни тўловчи хўжалик юритувчи субъектларда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга хизмат қилиши мумкин.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

- эгри солиқларнинг Қорақалпоғистон Республикаси давлат бюджети даромадларидаги салмоғининг ўзгариш тенденциялари аниқланган ва бюджет даромадларини шакллантиришдаги аҳамияти асосланган;

- эгри солиқлар бўйича солиқ солиш объектларини аниқлашда қўлланиладиган усулни такомиллаштириш зарурлиги асосланган;

- эгри солиқларнинг реал сектор корхоналарида рентабеллик даражасига таъсири аниқланган ва солиқ тўловчиларнинг иқтисодий фаолиятини ривожлантиришдаги йўналишлари белгиланган;

- экспорт қилувчи корхоналарнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида реализация қилинган товарлари бўйича нолли ставкани қўллашда сарф этилган хомашё материалларига тегишли қўшилган қиймат солиғи суммасини тўлиқ ҳисобга олиш зарурлиги илмий асосланган;

- реал сектор корхоналарининг соф фойдасига эгри солиқларнинг таъсирини регрессион-корреляцион таҳлили асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўналишлари аниқланган.

Илмий янгилиги:

- эгри солиқларнинг иқтисодий моҳияти очиб берилган, унинг афзалликлари ва камчиликлари аниқланган;

- Қорақалпоғистон Республикасининг оғир табиий иқлим шароитидан, хусусан, ерларнинг шўрланганлик даражасини юқориликдан келиб чиқиб, ерларни ҳайдаш билан боғлиқ хизматларга қўшилган қиймат солиғини ноллик ставкасини қўллаш таклифи ишлаб чиқилган;

- Қорақалпоғистон Республикаси Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг таркибий таҳлили асосида алкоғолли маҳсулотлар бўйича акциз солиғи тушумларини бюджетлараро тақсимлашни такомиллаштириш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

- асосий воситалар, номоддий активлар ва тугалланмаган қурилиш объектлари бўйича қўшилган қиймат солиғи объектини аниқлаш амалиётини такомиллаштириш илмий таклифи асосланган;

- акцизоти товарлари бўйича қўшилган қиймат солиғи айланмасини белгилаш механизмини такомиллаштирилган усули тавсия қилинган.

Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти – тадқиқот жараёнида олинган илмий хулосалардан эгри солиқларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга таъсирини такомиллаштиришга қаратилган келгусидаги махсус илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти хўжалик юритувчи субъектларда эгри солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш механизмини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялардан эгри солиқларни ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга таъсирини ошириш бўйича мақсадли Давлат дастурлари ишлаб чиқилишида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот материалларидан олий ўқув юртларида «Солиқлар ва солиққа тортиш» фани ўқув дастурини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси (2011 йил 2 февралдаги 16/2 – 66 - сонли далолатнома) ва Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани «Чимбой мой» акциядорлик жамияти (2009 йил 22 декабрдаги 436 – сонли далолатнома) амалиётида қўллаш учун қабул қилинган. Диссертация натижалари ва хулосалари Қорақалпоқ Давлат университетида (2010 йил 7 январдаги 1/0710 – сонли далолатнома) ўқитиладиган «Солиқлар ва солиққа тортиш» фани ўқув дастурини такомиллаштириш ва ўқитиш жараёнида фойдаланилмоқда.

Ишнинг синовдан ўтиши. Тадқиқот ишининг асосий ғоя ва натижалари Социально-экономические проблемы развития интеграционных процессов в условиях либерализации национальной экономики (сборник научных трудов) (Москва, 2008); Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишида молиянинг роли (Тошкент, 2009); Двадцать вторые Международные Плехановские чтения. (Москва, 2009); Давлат молиясини ислоҳ этишнинг долзарб муаммолари (Тошкент, 2009); Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида бухгалтерия ҳисоби, аудит ва таҳлилни такомиллаштириш масалалари (Тошкент, 2009); Сборник научных трудов: реализации антикризисной программы – основа дальнейшего развития национальной экономики и повышения его конкурентоспособности (Москва, 2010); Двадцать четвертые Международные Плехановские чтения (Москва, 2011); Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини микромолиялаштириш амалиётини такомиллаштириш (Тошкент, 2011); Экономиканы раўажландырыўда модернизациялаў, киши бизнес ҳам жеке ибилерменликтин орны (Нукус, 2011) ва Қурилишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари (Тошкент, 2011) мавзуларида ўтказилган халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён қилинган ва маъқулланган.

Тадқиқот иши Тошкент молия институти кафедралараро ва Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинарлар мажлисларида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация иши натижалари 14 та илмий мақола ва маъруза тезислари кўринишида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертация матни 156 бет бўлиб, унда 28 жадвал, иккита расм ва 17 иловадан фойдаланилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Солиқ турларини тўғри ва эгри солиқларга бўлишнинг илмий асоси – бу, солиқларнинг иқтисодий моҳияти бўлса, бошқа томондан мажбурий тўловлар сифатида ундирилаётган солиқ объектларининг ҳолати ва ҳаракатини аниқлаш ҳисобланади. Одатда, солиқлар ундирилиши тартиби, ундирилиш объекти, бюджетга йўналтирилиши, иқтисодиётга таъсир этиши, тўлаш манбаи ва шу каби мезонларга кўра гуруҳланади. Бундай гуруҳланишда ундириш тартиби ва иқтисодиётга таъсир этиш мезони бошқаларга нисбатан анча мураккаб бўлиб, улар кўпроқ солиқларнинг, шу жумладан, эгри солиқларнинг ички моҳиятини тўлароқ очиб беришга хизмат қилади. Солиқлар ундирилиш тартибига кўра, гуруҳланганда уларнинг тўғри ва эгри солиқларга бўлиниши назарда тутилади. Солиқлар сифатида эгри солиқларга хос илмий қарашлар ҳам илмий тадқиқотлар объектдан ўрин олиб келди.

Эгри солиқларнинг тарихий шаклланиш жараёнига эътибор берсак, бож тўловлари дастлабки эгри мажбурий тўлов сифатида юзага келган бўлса, акциз солиғи давлатчиликнинг кейинги цивилизация босқичларида эгри солиқ сифатида ундира бошланди ва давлат ғазнасининг асосий даромад манбаи сифатида солиқ тизимида алоҳида аҳамият касб этиб келмоқда. Аслини олганда, эгри солиқларнинг юзага келиши давлатчиликнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлса, уларнинг шаклланиши эса жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий вазият, иқтисодий тизимнинг тури, давлатнинг иқтисодий, ташқи сиёсатининг мазмуни асосида содир бўлмоқда.

Кўшилган қиймат солиғи бошқа истеъмол солиқларидан қуйидагилар билан фарқланади: биринчидан, сотишдан солиқни ишлаб чиқариш ва истеъмол муносабатлари давр оралиғидаги жараёнга давлатнинг иқтисодий таъсир доираси чекланган бўлиб, маҳсулотнинг истеъмолчи тасарруфига ўтган ҳолатда солиқ сифатида ундирилар эди; иккинчидан, қўшилган қиймат солиғида товарлар айланишининг тўлиқ қиймати эмас, балки юзага келган қўшилган қиймат солиғи кўп қиррали бўлиб, ишлаб чиқариш ҳамда айирбошлаш жараёнининг ҳар бир босқичида қўшилган қийматнинг бир қисмини бюджетга йўналтириб туради; учинчидан, қўшилган қиймат солиғи ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида хомашё ва материал қийматига моддий, меҳнат харажатларининг миқдorigа бевосита боғлиқ бўлади ва пировард маҳсулотнинг қийматига сотиш жараёнида устама шаклида қўшилади; тўртинчидан,

қўшилган қиймат солиғи орқали давлатнинг иқтисодий функцияларини молиялаштириш имконияти ошган ҳолда, иқтисодий таъсир этишининг воситаси сифатидаги афзалликлари намоён бўла бошлади. Умуман, қўшилган қиймат солиғи аксарият ривожланган давлатларнинг солиқ тизимида иқтисодий муносабатларни тартибга солиш, унинг сотиш ва истеъмол бўғинидаги нисбатни мўътадиллаштиришнинг омили бўлиб хизмат қилади. Қўшилган қиймат солиғида акциз солиғи ва божхона божидан фарқли равишда муайян турдаги бозорни тартибга солиш имконияти чекланган. Шунингдек, товар айланиши ва сотувдан олинadиган солиқларнинг бюджет жараёни билан фискал боғлиқлиги товарларнинг нафлилик даражасига, ўриндош товарларнинг номенклатурасига, маркетинг ҳолатининг даражаси товарларни истеъмол этиш муддати, вақти ва ҳудудий омилларига боғлиқ бўлади.

Тадқиқот иши доирасида иқтисодиётни солиқлар воситасида тартиблашда эгри солиқларнинг қуйидаги афзалликлари очиб берилди:

1. Эгри солиқлар орқали хўжалик юритувчи субъектлардан кўпроқ солиқ ундириш имконияти мавжудлиги туфайли, молиявий ресурслар бошқарилади. Юқори даромад олаётган ёки бозорда муайян даражада мавқега эга бўлган солиқ тўловчиларнинг молиявий ресурсининг бир қисми марказлашган пул фондига олинади ва у бошқа муҳим товар ишлаб чиқарувчига дотация, санациялаш сифатида ўтказилиб, иқтисодиёт субъектларининг ҳолати ва таркибини тартибга солиш имконияти яратилади.

2. Эгри солиқлар орқали давлат иқтисодиётига макро ва микро даражада аралаштириш имконияти вужудга келади. Макродаражада тартиблашда асосан акциз солиғи ва божхона божи муҳим роль ўйнайди. Акциз солиғи ва божхона божи орқали давлат биринчидан, истеъмол таркибига таъсир этади; иккинчидан, капитал оқимининг йўналишини тартибга солади; учинчидан, миллий иқтисодиётда фаолият кўрсатувчи маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни хорижий маҳсулотлар интервенциясидан асрайди.

3. Акциз солиғи ва божхона божи ставкаларини ошириш ёки пасайтириш орқали мамлакатнинг импорт ва экспорт операцияларини, товарларнинг транзит ҳолда миллий ҳудуддан ўтиш жараёни тартибга солинади, пировардида импорт ва экспорт ўртасидаги қолдиқнинг мусбат фарқини кўпайтиришнинг омили сифатида эгри солиқлар ролининг ортишига моддий асос яратилади.

4. Эгри солиқлар миллий бозорда истеъмол жараёнини марказлашган пул фонди орқали эгри солиқлар маҳаллий ҳудудларнинг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини қондиришда кенг фойдаланилади.

5. Эгри солиқлар ёрдамида миллий бозорда ортиқча бўлган товарлар ишлаб чиқарувчиларни иқтисодий дастак орқали капитални бу соҳадан бошқа соҳага ўтказишда, янгидан иш бошлаётган тадбиркорлик субъектларини бошқа жамият учун муҳимроқ ва бозор учун камёб бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришда, пировардида давлат томонидан капитал оқимини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш сиёсати амалга оширилишида иқтисодиётга ижобий таъсир этилади.

6. Эгри солиқлар давлатнинг макродаражадаги таъсир воситаси сифатида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини мувофиқлаштиришда

муҳим роль ўйнайди. Ушбу ҳолатни умумдавлат солиқларини бюджет тизими турли поғоналари ўртасида қайта тақсимланишида кўриш мумкин.

Эгри солиқлар маҳсулот таннархи таркибига кирганлиги учун турдош маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи солиқ тўловчилар ўртасида маҳсулот таннархини оширувчи корхоналарни, яъни бозорда ижтимоий зарурий меҳнат сифатида тан олинмаган индивидуал зарурий меҳнат эгаларини иқтисодий жиҳатдан жазолайди ва шу орқали бозордаги маълум товар тури бўйича мавжуд талаб ва таклиф ҳажмига таъсир этади. Эгри солиқлар даромадларни мувофиқлаштириш вазифасини ҳам бажаради. Эгри солиқлар воситасида аҳолининг бой қатлами кўлидаги пул маблағларини марказлашган пул фондларига жалб этиш орқали биринчидан, иқтисодиётда пул маблағларининг ҳаракати бошқарилишига ижобий таъсир этилса, иккинчидан, бюджетнинг даромадлар қисмини кўпайтириш имконияти туғилади. Эгри солиқларнинг ушбу хусусияти акциз солиғи орқали намоён бўлади.

Эгри солиқларнинг ички моҳияти уларнинг бюджетда тутган ўрнида кўринади. Қайд этиш жоизки, солиқларнинг бюджетдаги улуши унинг аҳамиятини тўлиқ очиб беролмайди. Таҳлиллар кўрсатишича, солиқ суммасининг аввалги йилга нисбатан камайиши умумий солиқ суммаси кўпайиши ҳисобига ҳам содир бўлиши мумкин. Бироқ, ҳар қандай шароитда ҳам, эгри солиқларнинг аҳамияти уларнинг бюджетдаги ҳиссаси билан биргаликда ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий фаолиятига таъсири билан ҳам белгиланади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида солиқ сиёсатининг таҳлили Давлат бюджетининг даромадлари таркибида эгри солиқлар улушининг барқарор суръатда ўсаётгани ва тўғри солиқлар салмоғининг камайётганини кўрсатмоқда. Умуман таҳлиллар кўрсатишича, эгри ва тўғри солиқларнинг бюджет даромадлари таркибидаги улуши камайган, ва аксинча, ресурс тўловлари, мол-мулк солиғининг улуши ортган. Бундай пасайишнинг сабаби капитал сиғимкорлиги юқори бўлган тармоқлардаги акцизларнинг пасайишидир. Яъни, кейинги йилларда кимё, нефткимё, машинасозлик метални қайта ишлаш тармоқлари маҳсулотларига акцизларнинг камайтирилиши юқоридаги ҳолатни вужудга келишига сабаби бўлди. Шунинг билан биргаликда Инкирозга қарши чоралар дастури доирасида кўшилган қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантириш борасидаги чора-тадбирлар туфайли кўшилган қиймат солиғи ҳиссасининг жадал суръатларда ортиб боришини табиий жараён сифатида баҳолаш мумкин. Буни давлатимиз бюджети ва Қорақалпоғистон Республикаси маҳаллий бюджет даромадлари қиёсий таҳлилларини қуйидаги маълумотлар асосида амалга ошириш мумкин (1-жадвал).

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари шаклланишида эгри солиқларнинг салмоғи давлат бюджетининг даромадлари шаклланишидаги улуши 2008-2010 йилларда 50 фоиздан кўпроқни ташкил этган. Эгри солиқлар таркибида кўшилган қиймат солиғининг ҳиссаси ортиб борганлигини кўриш мумкин. Масалан, кўшилган қиймат солиғи улуши 2005 йилда 22,6 фоизни ташкил этган ҳолда, 2010 йилда унинг ҳиссаси 30 фоиздан ортиқ бўлди.

**Давлат бюджети ва Қорақалпоғистон Республикаси бўйича солиқ тушумларининг
динамика таҳлили, (фоиз ҳисобида)⁵**

Кўрсаткичлар	2005 й.		2006 й.		2007 й.		2008 й.		2009 й.		2010 й.	
	ЎзР	ҚқР	ЎзР	ҚқР	ЎзР	ҚқР	ЎзР	ҚқР	ЎзР	ҚқР	ЎзР	ҚқР
I. Солиқларда н ва бошқа мажбурий тўловлардан тушган жами даромадлар:	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
1. Тўғри солиқлар:	26,2	42,1	25,9	39,7	23,9	38,5	22,8	45,0	26,2	44,9	26,1	39,0
2. Эгри солиқлар:	49,2	34,1	49,1	40,1	48,6	36,3	50,2	33,0	50,1	33,9	53,2	36,3
2.1. Қўшилган қиймат солиғи:	22,6	19,8	25,2	22,9	24,8	22,0	28,1	20,1	28,5	22,6	30,4	25,2
2.2. Акциз солиғи:	20,9	12,4	18,8	14,3	17,9	11,3	16,5	9,4	16,5	7,8	16,7	7,1
2.3. Божхона божи:	2,0	-	2,1	-	2,3	-	3,5	-	3,1	-	3,6	-
2.4. Жисмоний шахслар учун ягона бож тўлови:	1,7	-	1,1	-	1,4	-	-	-	-	-	-	-
2.5. Жисмоний шахслар томонидан бензин ва дизель ёқилғиси ишлатганлиги учун солинадиган солиқ:	1,9	1,9	1,9	2,9	2,2	3,0	2,1	3,6	2,0	3,4	2,4	4,0
3. Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи:	19,0	18,8	19,1	15,4	18,2	19,6	17,2	18,0	16,3	17,0	15,0	19,1
4. Бошқа солиқлар ва тўловлар:	5,6	5,0	5,9	4,8	9,3	5,5	9,8	4,0	7,4	4,2	5,7	5,6

Таҳқиқот объектимиз ҳисобланган Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг шаклланишини таҳлил қилганимизда бюджет даромадлари таркибида эгри солиқларнинг салмоғи юқорилигини кузатиш мумкин. 2005 йилда эгри солиқларнинг улуши 34,1 фоизни ташкил этган ҳолда, 2010 йилда 36,3 фоизга тенг бўлди, жумладан, қўшилган қиймат солиғи улуши мутаносиб 2005 йилда 19,8 фоизни ва 2010 йилда эса 25,2 фоизни ташкил этди. Акциз солиғи бўйича 2005 йилда 12,4 фоизни ва 2010 йилга келиб, 7,1 фоизни ташкил этди. Таҳлиллар кўрсатишича, жисмоний шахслар томонидан транспорт воситалари томонидан истеъмол қилинадиган бензин, дизел ёқилғиси ва газ учун солиқ 2005 йилда 1,9 фоизни ва 2010 йилда эса 4,0 фоизни ташкил этган. Таҳлил этилган йилларда Қорақалпоғистон Республикасида эгри солиқлар ҳиссасининг камайиб бориши акциз солиғининг улуши қисқариши билан изоҳланади.

Юқорида қайд этилганидек, эгри солиқларнинг муҳим хусусиятларидан бири – бозор қонунлари ва давлатнинг молиявий дастаги сифатида ишлаб чиқариш жараёнига таъсир этишидир. Уларнинг таъсир этиш миқёси товар ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий-ҳисоб ва давлатнинг молия сиёсатларига боғлиқ бўлади. Ушбу ҳолат қайд этилган икки омилнинг таъсирини давлат томонидан мувофиқлаштиришни тақозо этади.

Қуйидаги жадвалда Қорақалпоғистон Республикаси корхоналари рентабеллик даражалари қиёсий таҳлилларини кўриб ўтамиз (2-жадвал).

⁵ Манба: www.mf.uz маълумотлари ва Қорақалпоғистон Республикаси солиқ бош бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

**Қорақалпоғистон Республикаси товар ишлаб чиқарувчи корхоналари
рентабеллик даражасининг қиёсий таҳлили, (фоиз ҳисобида)⁶**

Кўрсаткичлар		Корхоналарнинг номлари						
		«Нукус вино- заводи» АЖ	Беруний «Ёғгар» ОАЖ	«Чимбой мой» ОАЖ	«Турон- Хожели» ОАЖ	«Халқобод момиғи» АЖ	ҚҚ дон маҳсулот- лари	Тахياتош дон маҳсулот- лари
2005 й.	Эгри солиқларнинг соф тушумлардаги улуши	203,3	72,9	84,1	51,7	4,3	6,2	6,1
	Рентабеллик даражаси (Таннархга нисбатан)	9,1	3,0	3,5	2,1	0,74	0,6	0,41
	Рентабеллик даражаси (Соф тушумга нисбатан)	6,9	2,9	2,7	1,8	0,69	0,5	0,39
2006 й.	Эгри солиқларнинг соф тушумлардаги улуши	180,3	74,4	137,2	52,5	6,2	3,6	3,9
	Рентабеллик даражаси (Таннархга нисбатан)	10,0	23,0	15,4	1,6	1,7	1,2	0,6
	Рентабеллик даражаси (Соф тушумга нисбатан)	7,8	13,8	10,7	1,2	1,5	1,1	0,5
2007 й.	Эгри солиқларнинг соф тушумлардаги улуши	135,3	68,2	93,6	92,7	2,6	2,9	1,2
	Рентабеллик даражаси (Таннархга нисбатан)	17,6	6,1	3,1	1,5	1,6	0,25	0,51
	Рентабеллик даражаси (Соф тушумга нисбатан)	11,8	4,7	2,3	1,1	1,5	0,22	0,47
2008 й.	Эгри солиқларнинг соф тушумлардаги улуши	117,4	46,8	52,1	44,6	5,6	4,1	1,8
	Рентабеллик даражаси (Таннархга нисбатан)	14,8	10,6	4,4	1,2	1,2	0,4	0,04
	Рентабеллик даражаси (Соф тушумга нисбатан)	10,1	7,8	3,4	0,9	1,1	0,3	0,03
2009 й.	Эгри солиқларнинг соф тушумлардаги улуши	112,9	50,3	41,8	41,4	0,5	4,7	8,9
	Рентабеллик даражаси (Таннархга нисбатан)	13,8	3,6	9,4	13,6	4,1	0,73	0,06
	Рентабеллик даражаси (Соф тушумга нисбатан)	9,6	2,9	6,7	10,0	3,6	0,67	0,05
2010 й.	Эгри солиқларнинг соф тушумлардаги улуши	105,6	44,7	53,2	45,5	0,6	2,9	12,0
	Рентабеллик даражаси (Таннархга нисбатан)	25,6	1,5	6,4	0,8	2,4	0,005	0,1
	Рентабеллик даражаси (Соф тушумга нисбатан)	15,3	1,2	4,2	0,7	2,1	0,004	0,08

2-жадвал таҳлили кўрсатишича, «ҚҚ дон маҳсулотлари» ва «Тахياتош дон маҳсулотлари» акциядорлик жамиятларида рентабеллик даражаси пастлиги кузатилган ҳолда, «Нукус винозаводи», Беруний «Ёғгар», «Чимбой мой» ва «Турон-Хожели» акциядорлик жамиятлари юқори рентабеллик даражасига эгаллиги яққол кўзга ташланади. Ушбу жадвалда келтирилган корхоналарда эгри солиқларнинг соф тушумлардаги улуши «Нукус винозаводи» АЖда юқори бўлиб, ундан кейинги ўринларни Беруний «Ёғгар» ОАЖ, «Чимбой мой» ОАЖ ва «Турон-Хожели» ОАЖлари эгаллайди. Бундай ҳолат вужудга келишининг асосий сабабларидан бири – «Нукус винозаводи» АЖ, Беруний «Ёғгар» ОАЖ, «Чимбой мой» ОАЖ ва «Турон-Хожели» ОАЖлари акциз ва қўшилган қиймат солиқларини тўловчи корхоналар ҳисобланиб, «ҚҚ дон маҳсулотлари», «Тахياتош дон маҳсулотлари» ва «Халқобод момиғи» АЖлари эса, фақат ҚҚС

⁶ Манба: Ушбу келтирилган корхоналарнинг Молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

ни тўловчи корхоналар таркибига киради. Тадқиқотлар кўрсатишича, эгри солиқларда солиқ тушуми ҳажми сотиладиган маҳсулотга боғлиқ бўлади, аммо, акциз солиғи бўйича солиқ ставкасининг қатъий белгиланганлиги туфайли акциз солиғи улуши динамикаси қўшилган қиймат солиғи динамикасига нисбатан анча фарқланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов, «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобидан қишлоқда ихчам технологиялар билан жиҳозланган янги, замонавий қайта ишлаш корхоналарини шакллантириш ва уларнинг кенг қўламда фаолият юритиши учун ҳар томонлама мустақкам хом ашё базасини ташкил этиш зарур»⁷, дея тўхталиб ўтдилар.

Давлатнинг солиқ сиёсати доирасида эгри солиқлар орқали иқтисодиётдаги қатор тармоқлар иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватланиб келинмоқда. Фикримизча, қишлоқ хўжалик корхоналарига етказиб бериладиган минерал ва ёқилғи мойлаш материалларига нисбатан қўшилган қиймат солиғи бўйича ноллик ставкаси бекор қилиниши, маълум даражада иқтисодий жиҳатдан ўринли, аммо, бугунги кунда фермер хўжаликларига меҳнатни интенсив ташкил этилишига қарамасдан ўз фаолиятини зарар билан яқунлаётган хўжаликлар ҳам етарли. Бунинг сабабларидан бири сифатида ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашганлиги, яъни, шўрланиш даражаси ошиб бораётганлиги, экинларнинг вегетацияси даврида белгиланган ҳосилдорликни олиш учун минерал ўғитлар ва техник воситаларга ёқилғи материалларининг меъёрдан ортиқ сарфланишига тўғри келаётганлигини кўрсатиш мумкин. Буни қуйидаги Қорақалпоғистон Республикаси умумий суғориладиган майдонлари ва уларнинг шўрланиш динамикасининг қиёсий таҳлили 3-жадвал маълумотларидан кўриш мумкин.

3-жадвал

Қорақалпоғистон Республикаси умумий суғориладиган майдонлари ва уларнинг шўрланиш динамикасининг қиёсий таҳлили⁸

Йиллар	умумий суғориладиган майдон минг га.	Шу жумладан шўрланиш даражаси бўйича, га			
		шўрланмаган	кам шўрланган	ўртача шўрланган	кучли ва жуда кучли шўрланган
2005	500,1	103,1	168,4	172,0	56,6
2006	500,4	105,0	158,2	176,6	60,6
2007	504,0	107,1	154,8	182,7	59,4
2008	504,5	107,7	159,2	177,7	59,9
2009	515,2	112,5	164,3	185,1	53,3
2010	518,3	113,4	167,2	185,0	52,7

Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси мисолида кўрадиган бўлсак, 2005-2010 йиллар оралиғида умумий суғориладиган майдон 2005 йилга нисбатан 2010 йилда 18,2 минг гектарга ошган бўлсада, ўз навбатида шўрланган ерларнинг ҳажми 2005 йилга нисбатан 7,9 минг гектарга ошган,

⁷ Каримов И.А. Жаҳон моливий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2009. - 45 б.

⁸ Манба: Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

шўрланган ерларнинг улуши эса ўртача 78-80 фоизни ташкил этди. Ушбу таҳлиллар шуни кўрсатадики, Қорақалпоғистон Республикасида шўрланган ерларда ташкил этилаётган фермер хўжаликларини солиқ тизими орқали рағбатлантириш мақсадга мувофиқ. Шу мақсадда ҳеч бўлмаганда шўрланиши даражаси ўртача кўрсаткичдан юқори бўлган ер участкаларига, шунингдек, бонитети жуда паст бўлган ер участкаларига сарфланадиган минерал ўғитлар, ёқилғи материалларига ҳамда ушбу ерларни ҳайдаш билан (МТП корхоналарининг хизматига) боғлиқ хизмат турларига нисбатан қўшилган қиймат солиғи бўйича ноллик ставкасини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Эгри солиқ бўйича солиқ юкининг пасайиши иқтисодий тараққиётнинг ривожланиши, инфляциянинг камайганлигини ифодаласа, солиқ юкининг ошиши эса солиқ сиёсатида корхоналар солиқ юкининг маълум қисмини истеъмолчилар зиммасига юклашга қаратилган солиқ сиёсати олиб борилаётганлигини характерлайди. Чунончи, 2011 йилдан бошлаб енгил саноат корхоналари учун пахта толасининг ички истеъмолчиларга сотилиши бўйича айланмаларга ноллик ставкаси қўлланилиши миллий иқтисодиётда ички талабни ошириш ҳисобига маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш ва шу орқали юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар турини кўпайтиришга қаратилган чора-тадбирларни эгри солиқлар орқали ишлаб чиқариш самардорлигига ижобий таъсир этишнинг кўриниши сифатида изоҳлаш мумкин.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарида ҳисобланган акциз солиғининг соф тушумдаги нисбатининг қиёсий таҳлилини куйидаги 4-жадвалдан кузатиш мумкин.

4-жадвал

Қорақалпоғистон Республикаси маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарда ҳисобланган акциз солиғининг соф тушумга нисбатининг қиёсий таҳлили, (фоиз ҳисобида)⁹

Корхоналар	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.
	Акциз солиғининг соф тушумга нисбати	Акциз солиғининг соф тушумга нисбати	Акциз солиғининг соф тушумга нисбати	Акциз солиғининг соф тушумга нисбати	Акциз солиғининг соф тушумга нисбати	Акциз солиғининг соф тушумга нисбати
«Нукус вино-заводи» АЖ	160,4	140,3	103,4	88,3	84,4	77,2
Беруний «Ёғгар» ОАЖ	57,0	53,7	51,0	34,5	36,3	32,5
«Чимбой мой» ОАЖ	49,0	108,8	74,8	34,4	29,4	33,2
«Турон-Хожели» ОАЖ	31,4	42,0	80,2	34,2	33,3	36,8

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, «Нукус винозаводи» АЖда рентабеллик даражаси Беруний «Ёғгар» ОАЖ, «Чимбой мой» ОАЖ ва «Турон-Хожели» ОАЖларига нисбатан анча юқори ҳисобланади.

⁹ Манба: Ушбу келтирилган корхоналарнинг Молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Мазкур корхоналарда акциз солиғининг соф тушумга нисбати кейинги 6 йил мобайнида пасайиш тенденциясига эга бўлди. Бунинг асосий сабабларидан бири кейинги йилларда акциз солиғининг қатъий белгиланган ставкалари кўламининг кенгайиши ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси маҳаллий бюджетининг молиявий барқарорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорларига асосан Қорақалпоғистон Республикасида алкоголь маҳсулотларидан олинадиган акциз солиғининг 50 фоиз миқдори маҳаллий бюджет ихтиёрида қолдирилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси солиқлар ва мажбурий тўловларнинг маҳаллий бюджет ихтиёрида қоладиган қисми қуйидаги жадвалда таҳлил этилди (5-жадвал).

5-жадвал

Қорақалпоғистон Республикаси солиқлар ва мажбурий тўловларнинг маҳаллий бюджет ихтиёрида қоладиган қисмининг қиёсий таҳлили, (фоиз ҳисобида)¹⁰

Кўрсаткичлар	2005 й.		2006 й.		2007 й.		2008 й.		2009 й.		2010 й.	
	жами	Қоладиган қисми	жами	Қоладиган қисми	жами	Қоладиган қисми	жами	Қоладиган қисми	жами	Қоладиган қисми	жами	Қоладиган қисми
Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар	100	95,8	100	94,0	100	86,1	100	94,7	100	96,2	100	95,8
Тўғри солиқлар	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Эгри солиқлар	100	95,2	100	94,7	100	89,3	100	87,5	100	91,8	100	91,5
Кўшилган қиймат солиғи	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
<u>Акциз солиғи</u>	<u>100</u>	<u>86,7</u>	<u>100</u>	<u>85,2</u>	<u>100</u>	<u>65,7</u>	<u>100</u>	<u>55,8</u>	<u>100</u>	<u>64,6</u>	<u>100</u>	<u>56,6</u>
Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун солиқ	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Ресурс тўловлари ва мулк солиғи	100	89,9	100	36,5	100	65,5	100	100	100	100	100	100
Бошқа солиқлар ва йиғимлар	100	86,8	100	73,4	100	43,8	100	73,7	100	76,8	100	81,0

5-жадвал маълумотлари таҳлили кўрсатишича, Қорақалпоғистон Республикаси бўйича солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг маҳаллий бюджет ихтиёрида қоладиган қисми 94-96 фоизни ташкил этади, унинг аксарият миқдори акциз солиғига тўғри келади. Бунинг асосий сабаби – алкоголь маҳсулотлари учун олинадиган акциз солиғининг салмоғи ошганлиги ҳисобига акциз солиғининг маҳаллий бюджет ихтиёрида қоладиган қисмидаги ҳиссаси камайиш тенденциясига эгалигидир.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси маҳаллий бюджетига алкоголь маҳсулотларидан тушаётган акциз солиғи ажратмаларини тўлиқ қолдириш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, ушбу ҳудудда

¹⁰ Манба: Қорақалпоғистон Республикаси солиқ бошқармаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикасида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг йил якуни ва иқтисодий ислохотларнинг бориши тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

янги ишга туширилаётган акциз солиғи тўловчиси ҳисобланадиган корхоналарни камида 5 йилгача уларга тежаб қолинган маблағларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш шарти билан солиқ имтиёзлари бериш лозим.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш, бозорда ўз позицияларини мустаҳкам ушлаб туриш учун маҳсулотларга бўлган бозор талабини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Бунинг учун корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бозоридаги талаб ҳажми, ҳар бир маҳсулотнинг бозор баҳоси, истеъмолчилар сони, истеъмолчиларнинг диди ва афзал кўришлари, инфляция даражаси, истеъмолчиларнинг даромадлари каби омилларни ўрганиш ва таҳлил қилиш зарур.

Ушбу таҳлилларни ўтказиш учун динамик моделлардан фойдаланиш мақсад мувофиқ. Динамик моделлар юқорида кўриб ўтилган омиллардан ташқари ўрганилаётган жараёнга вақт омилининг таъсирини ҳам ҳисобга олган ҳолда ўрганишга имкон беради. Чунки, соф рақобат шароитида маҳсулотлар ва ресурслар бозоридаги ҳолатлар динамик тарзда ўзгариб туради ва унга корхона мослашиб бориши лозим.

Иқтисодий жараёнларни таҳлил қилишда чизиқли кўринишдаги функциялардан кенг фойдаланилди. Хусусан,

$$y = a_0 + a_1x, \quad (1)$$

бу ерда y -натижавий кўрсаткич, x -таъсир этувчи омил.

Фараз қилайлик, корхонанинг соф фойдаси ва эгри солиқлар ўртасида чизиқли боғланиш ўрнатилган бўлсин.

Ушбу алоқани аниқлаш учун (1) функциядаги номаълум a_0 ва a_1 параметрларни аниқлаш зарур.

Корхонанинг соф фойдаси ва эгри солиқлар ўртасидаги боғланишларни аниқлашда «энг кичик квадратлар» усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Яъни,

$$S = \sum (Y - \bar{Y}_t)^2 \rightarrow \min \quad (2)$$

Чизиқли функция ҳолида ифодаланган:

$$\bar{Y} = a_0 + a_1X$$

$$S = \sum (Y - a_0 - a_1X)^2 \rightarrow \min$$

$$\begin{cases} \frac{\partial S}{\partial a_0} = \sum 2(Y - a_0 - a_1X) \cdot (-1) = 0 \\ \frac{\partial S}{\partial a_1} = \sum 2(Y - a_0 - a_1X) \cdot (-X) = 0 \end{cases} \quad (3)$$


Бундан,

$$\begin{cases} \sum y - n \cdot a_0 - a_1 \cdot \sum X = 0 \\ \sum y \cdot X - a_0 \cdot \sum X - a_1 \cdot \sum X^2 = 0 \\ n \cdot a_0 + a_1 \cdot \sum X = \sum y \\ a_0 \cdot \sum X + a_1 \cdot \sum X^2 = \sum y \cdot X \end{cases} \quad (4)$$

Ушбу тенгламалар системасини ечиш натижасида номаълум a_0 ва a_1 параметрлар аниқланади ва қуйидаги регрессия тенгламаси ҳосил қилинади:

$$y_{\text{хис.}} = a_0 + a_1x \quad (5)$$

Ушбу математик омилларни «Нукус винозаводи» АЖ корхонаси мисолида, ушбу корхонанинг иқтисодий фаолиятига эгри солиқларнинг таъсирини кўриб чиқамиз.



1-расм. «Нукус винозаводи» АЖнинг соф фойдасига эгри солиқларнинг таъсири динамикаси¹¹

«Нукус винозаводи» АЖ корхонасининг соф фойдасига эгри солиқларнинг таъсири бўйича эконометрик модель қуйидаги кўринишга эга:

$$Y = 33,806 - 1,291 \cdot X_1 + 0,181 \cdot X_2 \quad (6)$$

$$R^2 = 0,579$$

Моделдаги X_1 – қўшилган қиймат солиғи (соф тушмдаги улуши), X_2 – акциз солиғи (соф тушмдаги улуши).

Демак, қўшилган қиймат солиғининг соф тушумдаги ҳиссаси бир фоизга ошса, корхонанинг соф фойдасининг соф тушумдаги ҳиссаси ўртача 1,291 фоизга камайар экан ва акциз солиғининг соф тушумдаги ҳиссаси бир фоизга ошса, соф фойданинг соф тушумдаги ҳиссаси ўртача 0,181 фоизга ортар экан. Таъкидлаш жоизки, детерминация коэффицентининг $R^2=0,579$ га тенг эканлиги, корхонанинг соф фойдаси ҳажми 57,9 фоизга қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғига боғлиқлиги, қолган 42,1 фоиз таъсирлар эса моделда ҳисобга олинмаган бошқа омиллар таъсири ҳисобланади.

¹¹ «Нукус винозаводи» АЖнинг молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган тузилган.

ХУЛОСА

Диссертация ишида қуйидаги илмий хулосалар шакллантирилди:

1. Солиқ турларини тўғри ва эгри солиқларга бўлишнинг мезони солиқларнинг иқтисодий моҳияти бўлса, бошқа томондан мажбурий тўловлар сифатида ундирилаётган солиқ объектларининг ҳолати ва ҳаракатини аниқлаш ҳисобланади.

2. Моҳияти жиҳатидан олиб қараганда хўжалик юритувчи субъектлардан мажбурий тўловлар бюджет тизимининг бўғинларига келиб тушсада, бироқ, уларнинг келиб тушиш жараёни турлича кўринишда бўлади. Бунинг сабаби фикримизча, биринчидан, корхона(фирма)ларнинг турлича хўжалик юритиш ва хўжалик операцияларининг мазмунидан келиб чиқса; иккинчидан, солиқ турларининг эгри ва тўғри гуруҳларга ажратилиши мажбурий тўловларнинг солиқ тўловчи молия-хўжалик фаолияти якунидан; учинчидан, солиқларнинг фискаллик хусусияти анча фарқланади.

3. Тадқиқот ишида иқтисодиётни солиқлар воситасида тартиблашда эгри солиқлар қуйидаги афзалликларга эга эканлиги аниқланди: эгри солиқлар орқали хўжалик юритувчи субъектлардан кўпроқ солиқ ундириш имкониятининг мавжудлиги орқали молиявий ресурслар бошқарилади. Юқори даромад олаётган ёки бозорда муайян даражада мавқега эга бўлган солиқ тўловчилар молиявий ресурсининг бир қисми марказлашган пул фондига олинади ва у бошқа жамият учун муҳим бўлган товар ишлаб чиқарувчига дотация, санациялаш сифатида ўтказилиб, иқтисодиёт субъектларининг амал қилиш ҳолати ва уларнинг таркибини тартибга солиш имконияти яратилади; эгри солиқлар орқали давлат иқтисодиётга макро ва микро даражада аралаштириш имкониятига эга бўлади. Макродаражада тартиблашда давлат акциз солиғи ва божхона божи орқали истеъмол таркибига таъсир этади, капитал оқимининг йўналишини ўзгартириш имкониятига эга бўлади, миллий иқтисодиётда фаолият кўрсатувчи маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларни хорижий маҳсулотлар интервенциясидан асрайди, акциз солиғи ва божхона божи ставкаларини ўзгартириш орқали мамлакатнинг импорт ва экспорт операцияларини, товарларнинг транзит ва миллий ҳудуддан ўтишини тартибга солади.

4. Тўғри солиқлардан фарқли равишда эгри солиқлар солиқ тўловчилар фаолиятини оз миқдорда рағбатлантириш имкониятига эга. Бу ҳолат асосан қўшилган қиймат солиғи бўйича ноллик ставкаси қўлланишида кўринади.

Тадқиқот ишида эгри солиқларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга таъсирини кучайтиришга қаратилган қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Маълумки, юқлаб жўнатилган маҳсулот солиқ объекти сифатида тан олинади. Бироқ, бизнинг фикримизча, бундай тартиб бир томондан, дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ортишига сабаб бўлаётган бўлса, бошқа томондан, истеъмолчи томонидан маҳсулот учун тўловнинг ўз вақтида тўлаб берилмаслиги туфайли сотувчи (солиқ тўловчи) корхонанинг бюджетга ўз вақтида тўланмаган эгри (қўшилган қиймат) солиқлар бўйича асоссиз пеня

тўлашга олиб келмоқдаки ва бу, солиқларнинг адолатлилиқ тамойилига зид ҳолат ҳисобланади. Фикримизча ушбу ҳолат бўйича солиқ объекти сифатида юклаб жўнатилган товарнинг қиймати эмас, балки, ҳақиқатда келиб тушган пул тушумларини белгилаш лозим ва маҳсулот сотувчи корхона учун истеъмолчидан тўлов қобилияти хусусидаги аудиторлик хулосасини талаб этиш ва унинг бир нусхасини шартнома билан банк муассасасига тақдим этишни мажбурий тартибда ўрнатиш зарур деб ҳисоблаймиз.

2. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Қорақалпоғистон Республикаси шўрланган ҳудудларида ташкил этилаётган фермер хўжалиқларини солиқ тизими орқали рағбатлантириш мақсадга мувофиқ. Шу мақсадда ҳеч бўлмаганда шўрланиши даражаси ўртача кўрсаткичдан юқори бўлган ер участкаларига, шунингдек, бонитети жуда паст бўлган ер участкаларига сарфланадиган минерал ўғитлар, ёқилғи материалларига ҳамда ушбу ерларни ҳайдаш билан (МТП корхоналарининг хизматига) боғлиқ хизмат турларига нисбатан қўшилган қиймат солиғи бўйича ноллиқ ставкасини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

3. Амалдаги солиқ қонунчилигига мувофиқ экспорт товарлари бўйича ноллиқ ставкани қўллашда ушбу товарларни ишлаб чиқариш учун сарф этилган хомашё материалларига тегишли қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳисобга олишда экспортга чиқарилган товар учун ҳақиқатда келиб тушган валюта тушуми улуши ҳисобидан аниқланади. Мазкур ҳолат биринчидан, экспорт қилувчи корхоналарнинг иқтисодий фаолиятини рағбатлантирмайди, иккинчидан, қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисоб-китобларда мураккаблиқларни келтириб чиқаради. Шундан келиб чиқиб, экспорт қилувчи корхоналарнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида экспорт қилинган товарлар бўйича ноллиқ ставкани қўллашда келиб тушган валюта тушумидан қатъий-назар, ушбу товарларни ишлаб чиқариш учун сарф этилган хомашё материалларига тегишли қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

4. Солиқ кодексининг 199-моддаси бўйича асосий воситаларни, номоддий активларни ва тугалланмаган қурилиш объектларини бепул асосда бериш товарларни сотиш айланмаси ҳисобланмайди ва натижада, ушбу айланмалардан қўшилган қиймат солиғи ҳисобланмайди. Бу ҳолат ўзаро алоқадор корхоналарни қўшилган қиймат солиғидан қочиш учун қулай имкониятларни яратиб бермоқда. Бизнингча, асосий воситаларни, номоддий активларни ва тугалланмаган қурилиш объектларини бепул асосда бериш бўйича операциялардан қўшилган қиймат солиғи ундирилиши ушбу солиқдан қочиш йўллари камайтиришга ва бюджет даромадларини оширишга хизмат қилади.

5. Қорақалпоғистон Республикасида эгри солиқларнинг ишлаб чиқаришда самарадорликни таъминлашга таъсири бошқа ҳудудларга нисбатан пастроқ бўлиб қолмоқда. Бунинг сабаби эса, таҳлил натижаларига асосланиб айтадиган бўлсак, ажратмалар фоизи бир хил бўлишига қарамай, солиқ тўловчилар сонининг миқдорига бориб тақалади. Фикримизча, Қорақалпоғистон Республикасида алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга нисбатан бошқа акциз ости товарларини ишлаб чиқарувчи корхоналар сонини

кўпайтиришга аҳамият бериш керак, бундан ташқари, ушбу республикага алкоголь маҳсулотларидан тушаётган акциз солиғи суммаси ажратмаларини тўлиғи билан қолдириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бундан ташқари, ушбу ҳудудда янги ишга туширилаётган акциз солиғи тўловчиси ҳисобланадиган корхоналарни камида 5 йилга тежаб қолинган маблағларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш шарти билан ушбу солиқдан имтиёзлар бериш лозим.

6. Акциз ости товарлари сотилганда ҚҚС бўйича айланма белгилашда ҳисобланган акциз солиғи суммасини чиқариб ташланиши мақсадга мувофиқ. Бу бир солиқ солиш базасига бошқа ҳисобланган солиқнинг киритилишини чеклайди ва ҳисобланган акциз солиғидан яна бир марта ҚҚС ундирилишини бартараф этилишини таъминлайди.

ЭЛЬОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РУЙХАТИ

1. Абишов М.С. Эгри солиқлар воситасида иқтисодиётни тартиблаш // Социально-экономические проблемы развития интеграционных процессов в условиях либерализации национальной экономики (сборник научных трудов). – Москва, 2008. – С.198-199.

2. Абишов М. Анализ механизма взимания косвенных налогов // Журнал налогоплательщика. – Ташкент, 2008. - № 3-4. – С. 69-70.

3. Абишов М. Эгри солиқларнинг назарий жиҳатлари // Экономиканы раўажландырыўда дунья жүзлик инновацияларды пайдаланыў машқалалары. – Нөкис: Қарақалпақстан», 2009. – Б. 101-102.

4. Абишов М. Баҳонинг шаклланишига эгри солиқларнинг таъсири // Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида молиянинг роли мавзусидаги республика ўқув юртлариаро ўтказилган конференция иштирокчилари илмий мақолалари. – Тошкент, 2009. – Б. 67-69.

5. Абишов М. Механизм регулирования экономики посредством косвенных налогов // Двадцать вторые Международные Плехановские чтения: Тезисы докладов. – Москва, 2009. - С. 399.

6. Абишов М. Эгри солиқлар таъсири // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2009. -№ 3. – Б. 130-132.

7. Абишов М. Хорижий давлатларда эгри солиқларнинг ҳолати ва улардан самарали фойдаланиш // Иқтисодиёт ва таълим. – Тошкент, 2009. -№ 3. – Б. 140-142.

8. Абишов М. Солиқ тизимида эгри солиқларнинг бугунги кундаги аҳамияти // Давлат молиясини ислоҳ этишнинг долзарб муаммолари республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2009. – Б. 104-109.

9. Абишов М.С. Эгри солиқларнинг ривожланиш босқичлари ва уларнинг таҳлили // Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида бухгалтерия ҳисоби, аудит ва таҳлилни такомиллаштириш масалалари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент, 2009. – Б. 21-23.

10. Абишов М.С. Проблемы усовершенствования механизма косвенных налогов // Сборник научных трудов: реализации антикризисной программы – основа дальнейшего развития национальной экономики и повышения его конкурентоспособности. – Москва, 2010. – С. 144-146.

11. Абишов М.С. Влияние косвенных налогов на повышение эффективности производства в Республике Каракалпакстан // Двадцать четвертые Международные Плехановские чтения: тезисы докладов. – Москва, 2011. – С. 322-323.

12. Абишов М.С. Ишлаб чиқарувчи корхоналарда эгри солиқлар юкининг таъсири // Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини микромолиялаштириш амалиётини такомиллаштириш. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2011. – Б. 275-278.

13. Абишов М.С., Альмарданов М.И. Эгри солиқларнинг рағбатлантирувчилик хусусиятини ошириш масалалари // Экономиканы раўажландырыўда модернизациялаў, киши бизнес хэм жеке искилерменликтин орны. – Нукус, 2011. – Б. 129-131.

14. Абишов М.С. Қўшилган қиймат солиғини пасайтириш – иқтисодий ўсишнинг омили сифатида // Қурилишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари. – Тошкент, 2011. – Б. 151-153.

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Абишов Мухаммед Сарсенбаевичнинг 08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит» ихтисослиги бўйича «Эгри солиқларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга таъсири (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида)» мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: эгри солиқлар, кўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, солиқ тизими, солиққа тортишни такомиллаштириш, солиқ ставкалари, солиқ юки, солиқ тўловчилар, Қорақалпоғистон Республикаси бюджет даромадлари, эгри солиқларни ўндириш механизми.

Тадқиқот объектлари: хўжалик юритувчи субъектларда эгри солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш механизми ҳисобланади.

Ишнинг мақсади: иқтисодий модернизиациялаш шароитида эгри солиқларнинг ҳисоблаш механизмини такомиллаштириш асосида корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот методлари: таҳлил ва синтез, функционал-қийматли таҳлил, комплекс иқтисодий таҳлил, таркибий – функционал таҳлил ва статистик усуллардан фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: эгри солиқларнинг иқтисодий моҳияти очиқ берилган, унинг афзалликлари ва камчиликлари аниқланган; Қорақалпоғистон Республикасининг оғир табиий иқлим шароитидан, хусусан, ерларнинг шўрланганлик даражаси юқориликдан келиб чиқиб, ерларни хайдаш билан боғлиқ хизматларга кўшилган қиймат солиғи бўйича ноллик ставкасини қўллаш таклифи ишлаб чиқилган; Қорақалпоғистон Республикаси Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг таркибий таҳлили асосида алкоғолли маҳсулотлар бўйича акциз солиғи тушумларини бюджетлараро тақсимлашни такомиллаштириш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқилган; асосий воситалар, номоддий активлар ва тугалланмаган қурилиш объектлари бўйича кўшилган қиймат солиғи объектини аниқлаш амалиётини такомиллаштириш илмий таклифи асосланган; акцизоти товарлари бўйича кўшилган қиймат солиғи айланмасини белгилаш механизмини такомиллаштирилган усули тавсия қилинган.

Амалий аҳамияти: диссертацияда баён қилинган асосий назарий ва амалий тавсиялардан солиқ тизимини янада такомиллаштириш билан боғлиқ давлат сиёсатига оид чора-тадбирларни ишлаб чиқишда, тегишли қонун ва меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда, эгри солиқларга оид илмий-тадқиқот ишларини янада чуқурлаштиришида муҳим аҳамият касб этади.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқот ишида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани «Чимбой мой» акциядорлик жамияти томонидан амалиётга жорий этиш учун қабул қилинган. Диссертация материалларидан Қорақалпоқ Давлат университетида «Солиқлар ва солиққа тортиш» фани ўқув дастурини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланилмоқда.

Қўлланиш соҳаси: Давлат солиқ қўмитаси, акциядорлик жамиятлари, олий ўқув юртлари.

РЕЗЮМЕ

диссертации Абишова Мухаммеда Сарсенбаевича на тему: «Влияние косвенных налогов на повышение эффективности производства (на примере Республики Каракалпакстан)» на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.07 – «Финансы, денежное обращение и кредит»

Ключевые слова: косвенные налоги, налог на добавленную стоимость, акцизный налог, налоговая система, совершенствование налогообложения, налоговые ставки, налоговое бремя, налогоплательщики, бюджетные доходы Республики Каракалпакстан, механизм взимания косвенных налогов.

Объекты исследования: механизм учета и оплаты косвенных налогов в хозяйствующих субъектах.

Цель работы: разработка научных предложений и практических рекомендаций, направленных на повышение эффективности производства на предприятиях на основе совершенствования учетного механизма косвенных налогов в условиях модернизации экономики.

Методы исследования: анализ и синтез, функционально-стоимостный анализ, комплексный экономический анализ, структурно-функциональный анализ и статистические методы.

Полученные результаты и их новизна: раскрыта экономическая сущность косвенных налогов, определена его преимущества и недостатки; разработаны научные предложения по применению полевой ставки по налогу на добавленную стоимость по услугам, связанным с культивацией земли исходя из тяжелых климатических условий Республики Каракалпакстан, в частности, высокого уровня засоленности земли; разработаны практические рекомендации по совершенствованию межбюджетного распределения акцизных налоговых поступлений по алкогольной продукции на основе структурного анализа формирования доходов Государственного бюджета Республики Каракалпакстан; обосновано научное предложение по совершенствованию практики определения объекта налогов на добавленную стоимость по объектам незавершенного строительства, нематериальным активам и основным средствам; рекомендован метод совершенствования механизма определения оборота налогов на добавленную стоимость по подакцизным товарам.

Практическая сущность: основные теоретические и практические рекомендации изложенные в диссертации имеют важную роль в углублении научно-исследовательских работ касающихся косвенных налогов, в разработке законодательных и нормативных актов, посвященные дальнейшего совершенствования налоговой системы.

Степень применения и экономическая эффективность: научные предложения и практические рекомендации разработанные в диссертационной работе приняты к внедрению акционерным обществом «Чимбой мой» Чимбайского района Республики Каракалпакстан, Государственным налоговым комитетом Республики Узбекистан. Материалы диссертации используются в совершенствования учебных программ курсов «Налоги и налогообложение» и в процессе преподавания в Каракалпакском государственном университете.

Область применения: Государственный налоговый комитет, акционерные общества, высшие учебные заведения.

RESUME

Thesis of Abishov Muxammed Sarsenbaevich on the scientific degree competition of the doctor of philosophy in economics on specialty 08.00.07 – “Finance, money circulation and credit”, subject: «Influence of indirect taxes on increasing production efficiency (on example of the Republic of Karakalpakstan)»

Key words: indirect taxes, value-added tax, excise tax, tax system, development of taxation, tax rates, tax burden, tax payers, budget incomes of the Republic of Karakalpakstan, mechanism of collection of indirect taxes.

Subject of research: is the mechanism of accounting and payment of indirect taxes by managing units.

Purpose of work: working out scientific proposals and applied recommendations to increase production efficiency at enterprises on by improving accounting mechanism of indirect taxes under the modernizing process of the economy.

Methods of research: statistic methods and structurally functional analysis, complex economic analysis, functional-cost analysis, analysis and synthesis methods have been used in this research.

The results obtained and their novelty: the economic essence of indirect taxes is revealed, its advantages and disadvantages are determined; the proposals on applying zero rate of value-added tax to services connected with land cultivation under the heavy climatic conditions of the Republic of Karakalpakstan, in particular, the high level of land saltiness; applied recommendations for improving interbudgetary distribution of excise tax revenues from alcohol by analyzing the structural formation of the State budget income of the Republic of Karakalpakstan are elaborated; the scientific proposal for improving the practice of defining the object of value-added taxes on units of incomplete buildings, non-material assets and material assets is proved; method of improving the mechanism of calculating the turnover of value-added taxes on excise goods is recommended.

Practical value: the basic theoretical and applied recommendations stated in the dissertation will have important role in creating educational references and enriching the research papers concerning indirect taxes, in working out appropriate legislative and statutory acts, and measures concerning the state policy for improving tax system of the country.

Degree of embed and economic effectivity: scientific proposals and practical recommendations developed in the research paper are accepted for use in Joint-stock company «Chimboy Moy» in the Chimbay rayon of the Republic of Karakalpakstan, the State Tax committee of the Republic of Uzbekistan. Dissertation materials are used in courses “Taxes and taxation” of the Karakalpak State university.

Field of application: State Tax Committee, joint-stock companies, higher educational institutions.

ТАДҚИҚОТЧИ

